

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚИШОМИ

Газете 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 177 (7. 266)

© 1990 йил 6 август, душанба

Баҳосен 3 тўйин...

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИЛДИ

«Ўзбекистон» нашриёти «КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездининг вазифалари» китобчасининг ўзбекистонда босмадан чиқарилишига улган КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачевнинг партиясизда 2 июль куни қилган маърузаси киритилган. Китобча оммавий нусхаданашр этилди.

(ЎзТАГ).

Истеъмол буюмлари манзурми?

ТУРИ ОЗ, НАРХИ ҚИММАТ

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш арафасида кенг истеъмол молларининг турлари кўпайиб кетганлиги, нархи эса тошкентликларни қаноатлантирмаётганлиги кишини ташвишга солмай юзми йўқ. Ҳозир кўпгина молларнинг қамбўлиб қолганлиги сир эмас. Мебель, маиший техника, уя-элик моллари, лезвийлар мўл-қўллигини фақат озу қилиш мумкин, холос. Маиший техника анча қисқаргани (магазинларда уларнинг пештахталарда турмаётгани), холадийликлар ва бошқаларнинг тақчиллиги харидорларни сарсон-сарғардон қилмоқда. Қолаверса, магазинларга кирганининг билан керакли устки кийимларни, пойабзал ва трикотаж буюмларини ҳам топишнидиз мушкуллашиб бормоқда. Бу шаҳар саноат корхоналарида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақида ҳамма бирдек жон куйдирмаётганидан, албатта.

Харидорлар молларни кўпроқ ишлаб чиқариб режани бажаришга иштирокчи қилиш эканини пайқаш қийин эмас. Чунки, 1989 йилга нисбатан ипак газламалар 50 фоиздан зиёдироққа, кийим-кечаклар ва чойшаблар салкам 25 фоизга, пойабзал эса 22,6 фоизга, ип газламалари эса 8,4 фоизга ва ҳокзо кўпроқ харид қилинган. Албатта, бундай моллар аҳоли учун зарур. Айни пайтда бошқа кенг истеъмол молларининг турларини кўпайтириш ҳақида ҳам жиддий ўйлаш зарур!

Биринчи ярим йилда умуман кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш топириқлари ошириб бажарилганлиги бу борада ўсиш суръатлари 108,4 фоизни ташкил этганлиги қўвончли ҳол.

Ана шу ўсишнинг кўпроқ қисми нимадур эвазига эришилган режадан камайтириб юборди. Тўқимачилик комбинати, «Шарқ гули» бадий буюмлар ишлаб чиқариш бинолари, 2-поябзал фабрикаси ва бошқалар ана шунга йўл қўйдилар. Бунинг устига режани камайтиришга уринишлар ҳамон учраб турибди. 30 та корхона, шу жумладан Ўрта Осие кабель ишлаб чиқариш, «Сигнал», «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа корхоналар «ўз юзларини» камайтиришга эришилдию, аммо аҳолига жабр қилишни ўйлашмайди. Ахир, уларнинг маҳсулотлари қанчадан қанча талабгорлар бору-ку.

«Янгилек» белгиси билан маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаси ошириб адо этилмоқда. Харидорлар ҳам бундай маҳсулотларни севиб харид қилмоқдалар. Айниқса енгил саноат маҳсулотлари харидорларнинг қўвончи буюми бўлиб кетди. Аҳолида модали либослар кўплаб тайёрланганлигини таъкидлаш билан бир қаторда ҳали кенг истеъмол моллари таъминоти баринбар яхшилаб кўпайтирилгани айтиш ўтти керак. Масалан, аҳолига ҳали минг-миңлаб арқанлар ва болалар костюмлари, болалар қўйлаклар, қишлоқ пойабзаллар пайпоқлар етишмайпти.

Х. АБРОРОВ.

КПСС XXVIII съезди: партиани янгилаш йўлидан

«БИЗ СЕНГА ИШОНАМИЗ...»

ҳамкасбларининг шу сўзи котибга яна далда берди

КИРОВ районининг партия комиссияси ташкилотлардан коммунистлар аризаси келиб туша бошлади. Аксариятининг мазмуни бир тусда: партиядан чиқиш истганини билдириб вилган аризалар. Улар орасида турли соҳа коммунистлари бор. Район партия комиссиясининг маълум қилишича, бундай аризалар кўпроқ трамвай-троллейбус бошқармасида турмаётган экан. Лекин бошқарма катта, ўнлаб бошлангич ташкилотларига эга. Ҳаммасида ишнинг тузиллиши ҳам ҳар хил...

КПСС XXVIII съезидан кейин ҳам бундай аризалар сонини камаймаётган экан, уларнинг неча шундай қарорга келганини қизиқтирди. Худди шу саволга бошқарма партия комитетининг котиби В. Л. Варбанецдан жавоб топди. Виктор Леонидовичнинг айтишича, коммунистларнинг кўпчилиги съезидан олдин шундай қилишга қарор қилишган бўлса, баъзилари съезидан кейин шу йўлни танлашди...

Собир Қаримович Аббосов етакчилик қилган 1-троллейбус ҳўжалиги партия ташкилотида бўганимизда бунга янада аниқроқ жавобларни топгандек бўлди.

«Коммунистларимиз билан суҳбатлашарисиз ҳам, фикрларини ўзларидан эшитарисиз, — дея Собир Қаримович оқиндан оқиш ошкура мулоқотга ўтди. — Лекин мен бир бошлангич ташкилот котиби сифатида ўз фикримни айтиб қилишим керак. Бинобарин, ўша партиядан кетишга қарор қилган кишиларнинг ҳар кучи фаолияти менинг кўз ўнгимда бўй бераётган экан, нўноқ етакчиликни оқибатида эртага келиб ҳамма коммунистлар партия билетларини бериб кетишимасин, деб хавотирдаман.

Дарвоқе, ҳақ гап. Собир Қаримович ташкилотда партиядан чиқётган коммунистлар борлигини ўз ишида нўноқлик мавжудлигига йўнди. Шундай ўйлабди ҳам. Сўзсиз ёш етакчининг ташвишланганлиги ҳам, бу ҳақда яна батафсилроқ тўхталиб ўтарисиз, ҳозирги кунда уни бошлангич ташкилотда съезидан кейин ўз ҳолича қолган структуравий ўзгариш ўйлангичи. Янги съезд қарор қилганда, 150 нафар коммунистдан ортиқ бўлган ташкилотдаги на котиб вазифасидан озод қилинар экан. Қайд қилиш керак, бу нарса илгар ҳам шундай эди. Котибнинг таъкидлашича, съезидан мунозараларида бундай масалалар кўп баҳсларга сабаб бўлган. У кунюниб айтаётган 50 нафардан ортиқ деб кўрсатилиши керак бўлган, айтиш лозим бўлса муаммо ўзгаришини топмаган. Бироқ партияга ҳуқуқ тўла бўлмасида, берилибди-ку! Бу ҳам котибин қониқтирмайди.

«Ҳа, районнинг ўз ҳуқуқини қўлингизда, биздан бўйруқ кутиб ўтирманг, ишга киришаверинг деган гапини назарда тутаянисизда, — дейди С. Аббосов хорринг бир нуқтага узоқ тикилганча.

Партияга берилган ҳуқуқ деб нимани аташ мумкин ўйни? Партияга қабул қилиш, партиявий назорат... ёки партиядан чиқирилганими? Ҳўй, булар қайтариб беришган бўлин, унда районларнинг вазифаси нимадан иборат бўлади? Котиб қўйган бундай саволлар заминда партия ташкилотини мустаҳкамлаш, коммунист обрўсини ошириш деган мазмун ҳам етадиган, жавоб топиш эса ҳаётин зарурат бўлиб қолаёпти.

— Энди илгарингидек кўрсатма беришлар камайди, — дея давом этади

С. Аббосов. — Эсимда, ишдан бўшаб кетган бир коммунистнинг ҳўжжатини қўлга етказиб бер деб райком таъин ўтказаверди. Икки йилгача уни излашнинг давом этибман, райком сўрашдан чарчамабди. Яхшини, ўзимнинг районида экан, «топилиб» юлди. Бошқа шаҳар ёки чет давлатда бўлгандачи? Кети-дан боравераримиди? Кишининг ўзи билди-билмай ҳўжжатини ташлаб кетса, бошлангич ташкилот ёки унинг котиби ишламаётганга, ёмонотлиқча чиқарганда, Гапларим айрим райком ходимларидан эътироз туғдириши мумкин. Улар ишидаги чинакам ўзгариш менимча қачонки одамларга яқин туриб ишласа сори бўлади. Улар кўрқмасдан одамларнинг ташвишларини тинглай билиши, тиллаша олишлари зарур. Ана шунда кишиларнинг ҳам уларга нисбатан ишончи ортади, эътиқоди мустаҳкамланади.

С. Аббосов бу гапларни кунюнгидан, КПСС XXVIII съезидан қаттиқ ишонганидан ички бир оғир ҳўрсиниш билан айтди экан, ўзини қўлингизда лаёзимли одамлар олдида ёмон кўришиб қолаётганини ҳам яшириб ўтирмайди. Ҳар сафарни партия йиғилишида дунёнинг турли чеккаларида бўлаётган воқеалардан ёлгон-ёрти сиёсий ваъзлонди қилиш, ҳўжалик ҳўсобиға ўтсан у бери-ди, давлат қабули мана бундай деб одамларнинг қўйинни пуч ёноққа тўлдирди ҳам жонга теги-ку, дейди котиб.


Унинг гапларини тинглаб ўтириб, жамоасидаги коммунистлар нигоҳини кўз олдимга келтира бошладим. Мана икки киши партия билетини топиришга аҳд қилди. Унинг сабабини тушунгандек бўлдим. Аммо баринбар котибининг ишига қараб баҳо бериш кўпчилик ҳолларида одатга айланганини ҳам эътироф этиш керак. Улардан бири Галина Геннадьевна Нудная. Депога кўп йиллардан бери хизматини ўтказган ишичи. 1975 йилдан КПСС аъзоси. Партия нима берди деган саволга жавоб тополмайман, дейди у. Толик Гарипов эса депода қўли гул чилангар саналади. Жамоада оғур-эътибори ҳам жойида, ҳамкасбларининг ҳўрматига лойиқ.

— Ёлғиз отинг чинги чиқмас дегандек, битта ўзининг қўлингидан нима ҳам келарди, — дейди у Собир Аббосовга. — Биз сенга илгарингидек ишонамиз, жамоа иши учун жон куйдирётганини кўриб турибмиз. Лекин сени юқоридагилар қўвватламаганидан кейин...

Демак, бошлангич ташкилотда бошқа 80 нафар коммунист ҳам шу фикрда эканда. Улар қўвватламаса табиий, котибининг бир ўзи нимага эришиши мумкин? Бугун иккита коммунист шу фикрхал билан сафимизни тарк этиб турса, қолганларининг шу йўлни тутмаслиги ким қафолат беради?

— Уринли саволнинг мени ҳам ўйлаб қўювди, — дейди котиб сўзи давомиди. — Ҳатто бир мажлисда коммунистларимиз билан оқишчасига гапашиб олишга тўғри келди. Ишдан қониқмасангиз, муносибни сайлайсизлар, деб туриб олдим. Охири улар бир тўхтама қилишиб, сен қачонки партиядан кетасан, ана шунда биз кетамиз. Биз ишондиким, ҳаммиса ёнингда борамиз, дейишди. Бу ишонч ҳали кўп ишлар қила олишимизга умид уйғотса, унинг амалга ошишига ҳам умид бағишлади. Демак, ҳали ҳамкасбларимиз билан ишласан, бир-биримизга ишонсан бўлар экан.

Ф. ХУСАНОВА.



© МЕХНАТ КЕКАСИННИНГ ҚУВОНЧИ. Тошкент тепловоэ депосининг илгор слесарларидан бири Владимир Ва сильевич Брюсковский. Т. Қаримов сурати.

Янгилеклар
Воқеалар
Хўшхабарлар

МАШИНАСОЗЛАР ҲАМКОРЛИГИ

© ТРАКТОР принциплари бўлган талаб чет элларда ҳам ортиб бормоқда. Чиндан ҳам «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш биноларида таъйинланган бундай иш маҳсулотлар ўз сифати ва мустаҳкамлиги билан хорижда ҳам эътибор топмоқда.

Югославиялик машинасозларнинг ҳам корхона билан алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда. Бундай ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида бирошма бош директорининг халқаро иқтисодий алоқалар бўйича ўринбосари П. Сударс яқинда Югославияда бўлиб, янги ўзаро келишувни имзолаб қайтди.

Янги битимга мувофиқ биртама Югославияга беш юзта трактор принципларини юборадиган бўлди. Айни бир вақтда югославиялик машинасозлар трактор заводини кўл билан бошқариладиган гидрокуличкилар билан таъминлашни ўз зиммаларига олдилар.

ЎЗБЕК КИТОБЛАРИ ДЎКОНИ

© УРТА ОСИЕ жумҳуриятлари ўртасида ўзаро китоб айрибоб қилиш ишлари ҳам кенг йўлга қўйла бошланди. Айниқса, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозғоистонда

бу ҳайрли ишга катта аҳамият берилмоқда.

Бу жумҳуриятларда доимий кўча китоб савдосини ташкил этиш адабиётларни жойларда кенг тарғиб қилишга йўл келмоқда. «Ташаббухот» ташкилоти ташаббус билан бундай таъбир яқинда Чимкент ва Ленинобод вилоятларида муваффақиятли амалга оширилади.

Чимкентдаги китоб савдоси кунларида яна бир яхши тақдир илгари сурилди. Қозақ китобхоналарининг илтимослариغا биноан Чимкентда замонавий китоб савдоси маркази очилган бўлди. Шуниси қўвонарлики, бу дўкон ўзбек ёзувчилари асарлари нашрлари билан савдо қилди. Шунингдек, бу ерда буюртмалар бурчаги ҳам фаолият кўрсатади.

ЕШ ЎЛКАШУНОСЛАР САЁХАТДА

© ЎЗБЕКИСТОН тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти билан маскалар билан ҳам яқин алоқа боғлаган. Тошкентдаги 195-ўрта мактабда фаолият кўрсатётган еш ўлкашўнослар халқ дорилфунуни жамияти томонидан оталиққа олинган.

Кашпофлар Ўзи давом этаётган ҳозирги кунда дорилфунун тинглловчиларининг юмушлари кўпайиб қолди. Улар асосан Тошкент вилоятининг тоғлиқ зоналари бўйлаб сафарлар ўтказиб, жойларнинг ўзига хос рельефи ва жухрофий ўрнини ўрганишга эришмоқдалар.

Еш ўлкашўносларининг Чимён-Хўжакент маршрутти бўйлаб давом этаган саёхати жуда мароқли бўлди. Чорвоқ сув омбори, атрофи бўйлаб қилинадиган саёхатлар чоғида турли гербарийлар тўпланди.

«САЛОМАТЛИК»НИНГ АМАЛИЙ ЁРДАМИ

© «САЛОМАТЛИК» шаҳар маркази ҳодимларининг юмушлари яна кўпайиб қолди. Шифокорлар Чиноз районидан ҳамкасблари билан биргаликда қишлоқ аҳолисига тибиый хизмат кўрсатишни ўз зиммаларига олдилар.

Ҳа, шундаки, Тошкент шаҳар солиқини сақлаш Бош бошқармаси ташаббуси билан пойтахт вилоти райдалари шифокорларини оталиққа олиш таъбирларини қўрилган эди. Ана шу олаҳмама ҳарамат «Саломатлик» марказининг шифокорлиги катта бўлмоқда. Марказ Чиноз райони ҳудудида кенг қўламда муолажалар олиб боришга яқиндан бош қўшмоқда. Айни бир вақтда санитария маорифига доир қизиқарли материалларни тўплаш билан ҳам шугулланялади.

ЯНГИ КЎРГАЗМА

© ИТТИФОКИМИЗДАГИ қардош жумҳуриятлар мўйкалам усталари иқидонини кенг оммалаштириш, миллий маданиятларини тарғиб қилиш мақсадида Москвада хайрли ишга қўл урилган эди. Пойтахтда яқинда ўз фаолиятини бошлаган «Халқлар дўстлиги санъати галереяси» уюмисини таъсирли санъат муҳлисларини хушнуд этиш таъбирларини кўрмоқда.

Махсус томоша залида очилган кўрғазма Ўзбекистонлик расмоллар иқидонига бағишланди. Иттифоқимизга яқин танилган мўйкалам усталари Ч. Аҳмаров, Р. Чорнев, Б. Ижололовларининг энг яқин қариналари ҳам бу экспозициядан муносиб ўрин олди.

Янгилеклардан хабардор этувчи С. ОДИЛОВА.

Об-ҳаво ва саломатлик

6 августдан 12 августгача

Ҳарфтинг аксарият кунлари ёнғингерчилик бўлмайдиган, исик ҳаво сақланиб туради. Ҳаво ҳарорати кўчалари 17—22, кундузи 33—38 даража бўлади. Сахро ерларда ва тумжуриятимизнинг жанубида қарорат кечеси 20—25, кундузи 35—40 даража атрофда. Шерқдан секундига 5—10 метр тезликда шомол эсади. Ҳафтинг охирига келиб осмонда булут қўпайди, айрим жойларда қарбдан эсаётган шомол тезлиги секундига 14—17 метргеча кучаяди. Натийжада қарорат бирмунча пасаяди. Ҳафтининг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормадан 1—2 даража юқори келиши кутулади.

Н. А. Семашко номиданги ситх-саломатликни тиклаш институтини тиббий-таъдиқот институти тиббий об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази муваққасиларининг фикрига қараганда, ҳафтининг аксарият кунларидаги об-ҳаво ноҳуш қилинган хос саббий таъсир этини эҳтимоли бор. Аввалги ҳафтадигидек юракнинг ишемик ҳасталиги, бош миёна кон томирлари ҳасталиги, ялғиланар ҳасталиги, ўпка ва бўгинлар ҳасталиги бўлган беморларга эътиборни қучайтириш лозим. Об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан барча беморлар ўзларига маълум чиниктирувчи муолажаларини давом этиришлари ва даволувчи шифокорлар назорати остида бўлишлари керак.

БОКСЧИМИЗ ҒАЛАБАСИ
КЕЧА Сетл шаҳрида ўтказилган Иккинчи Яхши ният ўйинлари мусобақиси тантанали суратда ёилди. Ҳамшҳркимиз А. Григорян боксчилар турнирининг финалида 60 килограммгагча бўлган вазнда жаҳон чемпиони кубалик Х. Гонсалесни мағлубиятга учратиби, ғалабаси эришди.

Футбол
КЕЧА Сухумида «Пахтакор» командиис иккинчи даврининг биринчи ўйинини маҳаллий «Динамо» командиса билан ўтказди. Бу учрашу 2:0 ҳисобида майдон эгалари фойдасига хал бўлди.

Шу лигадаги икки ўйин кунидиги натижада туғди: «Таврия» — «Локомотив» (М) — 1:1, «Тирес» — «Қубасеси» 3:1.

Озиқ-овқат дастури бўғинлари

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ



ҲОЗИРГИ пайтда шаҳримиздаги кўпчилик сабзавот магазинлари ишнинг янги усулига ўтган. Бу нарса шу ишга дахлдор бўлган кишиларни келтириладиган маҳсулот сифати ва турларининг ранг-баранг бўлишини ўйлашга ундамоқда. Магазин расталарининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўки бўлишида таёрлов базаларининг ҳам муносиб улўши бор. Ленин район улғуржи-чакана савдоси мена-сабзавот комбинатига қарашли 5-магазинда ҳам мена ва сабзавот маҳсулотларининг сифати катта эътибор бериляпти.

Ушбу база мудири А. Ҳамроев шу йил баҳорда Тошкент вилоятининг Коммунистик, Урта Чирчиқ, Орийоникдзе, Паркент районлари хўжаликлари билан сабзавот ва меваларни етказиб бериш тўғрисида битим имзоланганлигини гапириб берди. Ана шу сабабли ҳозир ҳар кун 10—15 тонна картошка, полиз маҳсулотлари, 3—4 тонна мена ва

бошқа маҳсулотлар етказиб бериляпти. Ана шу маҳсулотлар Ленин районидангина эмас, ошхоналар трестига, район озиқ-овқат савдоси идораси дўконлари идорасига етказиб берилямоқда.

Ушбу база хизматчилари киш таррадудини ҳам кўрмоқдалар. Улар ёз неъматларини киш дастурхонига тайёрламоқдалар. Суратчи-матчилардан Асия Саутова ва Ортиқой Масобироваларни (чапдаги сурат) помидор шарбати тайёрлаётган пайтларида суратга туширди. Ишчи Азиза Дадхоўева эса (ўнгдаги сурат) бодрингларини киш мавсумига сиркаламоқда.



Шундай қилиб, қўлни қўлга бериб иш юритиш ўзининг яқин натижаларини берапти. Деҳқонлар, таёрловчилар ва савдо ҳодимларининг ўзаро ҳамкорлиги туғйили тошкентликларнинг дастурхонини борган сари фойдали ва тўкин бўлиб бормоқда.

Адабиёт ва санъат

Кулолчилигимиз тарихидан

ГУЛГУН СОПОЛ ЛАГАНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР Давлат санъат музейи залларини айланб юриб эрамининг IX асрида яратилган сопол лаган парчасидаги тасвирлар эътиборини тортиди. Қийин ўйноқлаб, чопиб бормоқда. Яна бир сопол парчасида кўшлар, ям-яшил дарاختлар тасвирланган. Бу кулочилик санъатининг намуналари қадимий Тошкент ўрнидаги «Минг ўрик», «Тош тепа» харобаларидан топилган. Қўқ, зарҳал ва оқ рангли рамон саклалини, сифатини йўқотмабди. Буларни қайси кулол ишлагани ҳали номаълум. Фақат хумдонда пиширилганидан хабаримиз бор.

Тошкентнинг Октябрь даҳасидаги «Бекобод» кўчасида бир пайтлар (жамоа ҳўжалили даврида) хумдон бўларди. Ерғўлда жойлашган хумдонда бир неча печлар бўлиб, улар ўтин билан ёқилар, тутунга эса, фақат бир жойдан чиқарди. Кулол усталар ясаган буюмлар шу хумдонда пишиб етилар, бир тарафиди «муслумон гўшт»лар ҳам хумдонда сополга айлантирилари. Кейинчалик, узоқ вақт фойдаланмай қолган хумдонда биз болалар бекинмачок ўйнаб юрдик. Катта тепалини ташкил этиб турган хумдон қаровонлик сабаби бузилиб кетди.

Музейнинг амалий санъат бўлими кулочилик залида қадимги сопол идишлар билан бирга, замонавий кулоллар ишларидан намуналар ҳам намойиш этилаётир. Шулар орасида тошкентлик кулол Туроб Миралиевнинг иски лагани киши эътиборини тортиди. Қўқ, зарҳал, оқ рангли тавлинаётган сопол лаганлардан бирида сабази, личок тасвирлари бор. Иккинчи сопол лаганда ҳовуз, унинг бўйида экилган дарاختлар акси, сувда сузиб юрган балчиқчалари томоша қилиб хаёлга толасиз. Сабази ва личок тасвирлари тошкентликларнинг меҳмондуст, ошга пазандаликларидан дарақ берса, ҳовуз кўринишида Тошкент тарихидан давҳалар жонланган.

Дарҳақиқат, ўтмишда Тошкентда сув сақлайдиган кичик ва катта ҳовулар бўлган. Тошкентликлар ҳовуздан яхши фойдаланишган.

Ҳовузда-ю, ҳовузда, ҳовузчада балчиқча...

Деб бошланадиган халқ ладарини Тошкент халқи ижод қилган дейишди.

Тошкентда аялод-ақлодимиз яшаб келган. Қўқни қўрганлардан ҳовулар ҳақида сўрасам, ҳовузлардаги сув тоза бўлиши учун болчиқ ва балчиқчалар ташлаб, уларни парваришлаганини, иссиқ кунларда эса, сўлим ҳовулар бўйида салқинлашгани ҳақида гапирарди.

Тошкент сопол лагандаги тасвирлар машҳур кулолчи Муҳиддин Раҳимов ижодига замонавийлаштирилди. Кулол сопол лаганларда серкўиш Тошкент, шу кунги гуллаб-яшнаётган унинг табияти ўз аксини топган.

Маҳмуд АХМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг илмий ходими.

Суратга олинапти ҚИНДЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

Совет кинематографчилари Қиндистон кино усталари билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келишмоқда. Бу ҳамкорлик уч қисмдан иборат «Уч денгиз оша саяҳат» бадий фильмидан бошланган эди. Кейин биргаликда яна кўплаб фильмлар яратилди. Шу кунларда «Ўзбекфильм»нинг «Шарқ» ижодий бирлашмаси раҳбари, танили киорежиссёр Латиф Файзиев Қиндистоннинг «Игл-фильм» киносаноатининг бош режиссёри Умеш Мехра билан ҳамкорликда «Шикор» номли картинани суратга олиш япти.

Бу мусиқади киноасар сценарийини москвалик Драма-тур Николай Рожков, Ўлмас Умарбеков, Латиф Файзиев, ҳинд сценарийчиларидан Янавод Сидий ва Винай Мулга биргаликда ёзишган. Унда ҳам халқлар ўртасидаги дўстлик, севи-муҳаббат ўз аксини топган. Бундан ташқари, фильм цирк томошалари услубида суратга олинапти. У уч қаҳрамон саргузаштлари сюжетти асосига қурилган, унда ҳинд қишлоғидан чиққан оғиб йигит (М. Чақраборт) фильмда асосий роллардан бирини ижод этди.

Тошкент, Душанбе, Москва ва Қиндистонда суратга олинаётган макур киноасарга бастакор В. Милов куй басталган. Асосий роллардан яна бирини москвалик цирк артисти Ирина Киснарёва ижро этмоқда. Шунингдек, Мурод Ражабов, Обид Асомов, Насируддин Шоҳ, Амриш Пури ва бошқа бир қанча ўзбек ва ҳинд санъаткорлари суратга тушишмоқда.

«Шикор» Тошкент вилояти улгуржи-баққоллик савдо базаси маблағи ҳисобига суратга олинмоқда, — дейди режиссёр Л. Файзиев, — шунингдек, Қиндистоннинг «Игл-фильм» фирмаси ҳам маблағ ажратган.

Келгуси йили томошаларга тақдим этиладиган мусиқа ва рақсларга бой ушбу киноасар кўпчилигина манзур бўлади, деган умиддамиз.

АЛИШЕР НАВОЙЙ ЖАМҒАРМАСИ ТУЗИЛДИ

Даҳо адиб ва саховатли инсон Алишер Навойй ўзи жамғарган барча маблағни хайрли ишларга сарфлаганилиги тарихдан маълум. Жуда кўп санъат ва адабиёт вакиллари Алишер Навоййдан маънавий ва моддий ёрдам олиб қамолга етганлар. Бу тўғрида унинг саховатидан баҳраманд бўлган машҳур тарихчи Хондамир, адиб Зайниддин Васифий ва бошқалар миннатдор бўлиб ёзганлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат мукофотлари комитети, Ўзбекистон ижодий уюшмалари, тапшилотлари, жамиятлари ташаббус билан тузилган Навойй номидаги жамғарма улуг адибнинг саховат бобидидаги яхши анъаналарини давом эттиришдек олижаноб мақсадини ўз олдига қўйди. Навойй жамғармасини ташкил этишда жумҳуриятимизнинг ўндан ортқ нуфузли жамоат ташкилотлари иштирок этди. Унинг ички ҳайъати Ўзбекистоннинг машҳур жамоат арбобларидан таркиб топди. Улар орасида Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби Одил Екубов, машҳур жамоат арбоби Нуриддин Акромович Муҳиддинов, СССР халқ россоми Раҳим Аҳмедов, танили киорежиссёр Малик Қаношов ва бошқалар бор.

Навойй номи жамғармага маблағ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Навойй номи ва Ҳамза номи Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари қўмитасининг Тошкент шаҳар Куйишеш бўлими саноат-курулиш бандида очилган

000141421 рақамли сўғига ўтказилиши мумкин. Бу ҳисобга дастлабки кунларда жамоат ташкилотларидан йнгирма минг сўмдан ортқ маблағ тушди. Навойй жамғармасига давлат ва жамоат ташкилотларидан ташқари алоҳида кишилар ҳам пул ўткази олади.

Алишер Навойй мухлислари чет элларда ҳам оз эмаслигини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий бандида ҳам Алишер Навойй жамғармаси ҳисоби очилди, бу ҳақда кейинроқ хабар берилди.

Маблағ, биринчи навбатда, Алишер Навойй ижодини, шунингдек, ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини мамлакатимизда ва чет элларда кенг тарғиб қилиш ишларига сарфланади. Бундан ташқари, маблағдан адабиёт ва санъатнинг келажгини белгилайдиган ёш истеъодларга моддий ёрдам бериш учун фойдаланилади. Иқтидорли ижодкор зиеллиларга қўмаклашиш — Навойй жамғармасининг олижаноб вазифасидир.

Фонд фаолиятига доир барча саволлар билан қуйидаги манзилгоҳга муурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шаҳқўчаси, 98-уй, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Навойй номи ва Ҳамза номи Давлат мукофотлари қўмитаси, 40-хона, Навойй жамғармаси. Телефонлар: 45-85-20, 45-83-26.

— Файзулла ака, ушбу асар маълуми ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Асар уйғур халқининг тарихидан олинган. У XVI асрда яшаб ўтган уйғур халқининг атоқли қизи Омоннисоҳон ҳақида ҳикоя қилади. Омоннисоҳон ҳам шонра, ҳам бастакор, ҳам хонанда ва созанда эди. Асарда ўша даврдаги адолатли шоҳ Абдурашидхон билан Омоннисоҳон ўртасидаги соф муҳаббат ҳикоя қилинади. Шоҳ ҳам севғилиси каби адабиёт ва санъатни жуда севаб эди. Бу саҳна асарини истеъодли режиссёр (маҳдум) Рустам Бобоҳонов саҳналаштирган. Мусиқасини эса Шохда Шаҳмардонова эди. Яқинда жамоамиз Қашқадар вилояти бўғлаб гастролда бўлган эди. Сафар чоғида ҳам «Муҳаббат навоси» томошасини намойиш этдик. У қашқадарликларга ҳам манзур бўлди.

— Сиз бу асарда қайси сиймон яратдингиз?

— Хўжа Муҳаммад Эшон Қошғарий сиймосини яратдим. Бу шахс шоҳ саройида энг обрўли кишилардан ҳисобланиб, дин пешвоси эди. Бу қиёфани яратишда аниқгина ишлиганимизни тўғри келди. Чунки бугунги кун талабидан келиб чиқиб дин пешвосининг ҳақиқий қиёфасини яратиш керак эди. Илғари улар ҳақида қиёфа яратилгудек бўлса асосан салбий томонларини кўрсатишга ҳаракат қилинарди. Томошани ишқидан тараққий этди. Чунки инсоннинг даржадаги чиркин учун роли устиди кўп ўйладим. Режиссёр Рустам Бобоҳонов билан ма-


читларга бордик. Имом-хаттабларнинг Қуръон суралари қироат билан ўқишларига Эшон Қошғарий саҳнада Абдурашидхонга қарши бўлган қора кучлар билан ку-

ниши: режиссёр Рустам Бобоҳонов, дирижёр Эргаш Тошматов, хормейстер Комил Саъдуллаев, бастакор Шохда Шаҳмардонова, шунингдек, асосий ролларни ўйнаган тўрт нафар актёр — Рустам Маъдиев (Абдурашидхон), Меҳри Ҳошиматова (Омоннисоҳон), Дилором Саъбаева (Едорхоним) ва қамина.

— Асар бугунги кунинг муҳим мавзуларидан. Уни уйғур қардошларимиз ҳам томоша қилишимиз?

— Албатта. Театримизга келиб кўришди, жуда хурсанд бўлишди. Бу томоша биринчи навбатда ўзбек ва уйғур халқларининг дўстлигини тарғиб қилишга, инқиробдан бирдорларимизни тарғиб қилишга, уларнинг аҳоли кишиларининг ибратли кишиларини ҳикоя қилиши. Сўнгги йилларда Совет-Хитой муроабатлари тобора мустаҳкамланмоқда. Хитойдан келган уйғур дўстларимиз ҳам шу томошадан жуда мамун бўлишди. Уйғур автоном районда нашр этиладиган қатор рўномаларда бу ҳақда таърихлар ёзлон қилинди. Эндиги ниятимиз бу саҳна асарини Уйғур автоном районуи та бориб намойиш этиш ва халқларимиз ўртасидаги дўстлигини анида мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофотида номзодлар «МУҲАББАТ НАВОСИ»



● Маълумкин, ўтган йили Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мукофоти театрида Ўзбекистон ССР халқ эъзвчиси Ҳамза Гуломнинг «Муҳаббат навоси» асари саҳналаштирилган эди. Бу томошани мухлислар илқ қўлиб олди. Яқинда эса шу саҳна асари 1990 йилги Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофоти тавсия этилди. Мукофотга тавсия этилганлар орасида шу театрнинг танили актёри Файзулла Аҳмедов ҳам бор.

рини магнитофонга эзиб олиб тақрирладим. Чунки саҳнада ҳам Қуръондан сўралар ўқийдиган жойлари бор эди. Хўжа Муҳаммад рашувчи доно арбоб сифатида ҳам ҳаракат қилди. Умуман давлат мукофотига кишлар тавсия этилди! — Жамоамиздан сангиз

Сухбатни Равайн БОБОМУҲАМЕДОВ эзиб олди.

«Қайнар»нинг туҳфаси

Қозғистон, Туркменистон ва Ўзбекистон жумҳурияларининг Оролбўйидаги ҳудудларида рўй берган экологик Чернобилнинг «Реакторини» тўхтатиб бўлармикин? Оролни қолган қисмини қандай сақлаб қолиш мумкин? Денгизнинг ана шу тўдадан қуриб бораётган ерларида теварак атрофиди гуллаган воҳа бўлган янги сервус ерларини бунда қилиш мумкинмикин!

Олмөстадаги «Қайнар» нашриётида «Орол бугун ва эртага» номи билан очерклар, публицистик ва илмий-оммабоп тадиқот мақолалари гўланиб, босиб чиқарилди. Унинг муаллифлари ана шу мурекаб маселалар устиди фикр юртидилар, баҳслашдилар, таҳлилларини айтидилар, ўз режаларини олдинга суратдилар. Уйлаймики, бугунги кунда жумҳурият пойтахти дўконларининг пештахталарида пайдо бўлган ушбу китоб ки тохоналар қалбига тезда кўл топади. Орол тақдирин айрим идораларнинг шахсий иши бўлмай қолди. Ҳозир бу ишда кенг жамоатчилик ниҳоятда фаол қатнашмоқда.

Халқро мутахассислар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳмонлигида Орол муаммоларини ҳал этишга қўшилдилар. Қитъа денгиз соҳилларида Австрия, Италия, Франция, Япония олимлари ҳамда мутахассислари бўлишди. Биргаликдаги ҳаракатлар услуби ва режаларини яратиш, ушбу регион экологик муаммоларини исчили ўрганиш ва мунозаам равишда ҳал этиш сеъраммиз табиатини соғломлаштириш борасида истиқболдеги жуда катта стратегиянинг андозаси бўлиб хизмат қилади, — деб хабар қилади ТАСС мухбири Олмөста шахридан.



● ҚУШИҚ — ИНСОН ҲАМРОҲИ. Фрунзе сайёри маданият уйи қонида фойли кўрсатилган «Марафон» дастаси аъзолари ўзларининг диярабо куй ва қўшиқлари билан санъат иқхосмандлари оққишга сазовор бўлишяпти. Бу даста айна пайтда хўжалик ҳисобида ишлаётган жамоалардан бири ҳисобланади. СУРАТДА: даста аъзолари. М. Назаров сурати.

Назм дафтаридан

Мен — дарاختман

Медали дарاختман,
Ям-яшил дархат,
Навоий боғидан асли навларим.
Қитъалар аро мен толе ва бахтман,
Асрдан асрга қайта ёшардим.
Боболар меҳридан
Топдим парварши.
Қошу қўздай асраб бердилар ҳаёт.
Менга насиб бўлди фақат барқ уриш.
Аждодимга таҳсин айтурман бот-бот.
Меҳрга зор бўлиб қўримадим ҳеч.
Бўрон, довулларда қақшамадим ҳеч.
Менга бегоналар аялч ва ўқич.
Ади қоматини тутганман маҳкам.
Менинг ўз бобоним,
Ўз қўбимин бор.
Баргларимда ўйнар олтин шўъласи.
Музли ўлкаларда йилт этса баҳор,
Унга фусун берар менинг нафасим.
Тунда шохларимга кўнар юлдузлар.
Мени олқишлар ой тўқар олтин.
Маржондай тизиллиб қирмизи юзлар —
Меваларим ёнар мисоли ёлқин.
Элу юртлар аро улашаман бол,
Тилларда достондир шарбатим този.
Тўқни ҳосилдан топди, бахт иқбол
Олис шимолгача не одам зоти.
Файзу неъматимдан маст бўлиб,
аммо,
Бу кун тош отишар қай бир
кимсалар.

Ортигда из бўлиб қолар йилларнинг, Аччиқ бир ҳис бўлиб қолар йилларнинг.

Сўзон яроқлар ҳам сўкилар ногоҳ,
Рўзгоринг устун тўқилар ногоҳ,
Ҳамду санолар ҳам ўқилар ногоҳ,
Турмуш ташвишлари эзаган йилларнинг,
Яшашдан гоҳида безган йилларнинг.

Фақат одаларга тўтидиг меҳрининг,
Қоғаларга тўқидиг кўзинг кўрини,
Уйлайдиг аз бахтин, аз шурининг,
Фараҳли дамларга интиқ йилларнинг,
Йўлинг ҳам, нонинг ҳам келтиқ йилларнинг.

Спир, Аму бўйида боғларни кединг,
Томанлар кўйида қанча гул уздинг,
Уларни саралаб гулдаста туздинг,
Дўстларга совға деб тутган йилларнинг,
Бахту омадларинг кутган йилларнинг.


Баъзида дуч келидиг агёрларга сен,
Ортигдан тош отган дастёрларга сен,
Қақат сунядинг-у дўст-ёрларга сен,
Сўқмоқди йўлларда кечган йилларнинг,
Емонларга кафан битган йилларнинг

Қора шарпаларга кўтардинг туғён,
Ҳақ гапини айтдинг, бош эгидин
нолон,
Оғир савдоларни қўрдинг беғумон,
Опоқ тоғларнингни куттай йилларнинг,
Босариқ туш каби ўтган йилларнинг.

Ҳаётинг давоми шу беш ўғил-қиз,
Умид манзилда гўё беш юлдуз,
Демакки, соядай кетмайсан изсиз,
Ҳаёт китобидан ўчмас, йилларнинг,
Довул, шамолларга умчас йилларнинг.
Токи мавжуд экан, қаҳрамон Ҳаёт,
Исёкор отангин сен ҳам этгин ёд,
Қонингда гувласин қурашқан баёт,
Ҳақиқат созини чалсин йилларнинг,
Янроқ қўшиқ бўлиб қолсин йилларнинг!...
Ашурвали АХМЕДОВ.

Йилларинг

Сочларинга эрта оралади оқ,
Умринг дарахтида сарғарай яроқ,
Баъзан вужудинг босади титроқ,



● АДИБЛАР ВА МУХЛИСЛАР.

Р. Альбеков сурати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
26-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Чинни шаклини тайёрловчи, чиннинин механик усулда безовчи, чиннига шакл берувчи, чиннини терувчи, чиннини пиширишга тайёрловчи, автомат станокларда ишловчи оператор.

Ўқоридати касблар бўйича ўқиш мuddати — 6 ой.
Ўқишга 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган хотин-қизлар ҳамда ҳарбий хизматни тугаллаган йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 85 сўм стипендия билан таъминланади.

Қўшимча ишлаб чиқариш вақтидаги иш ҳақи тўлиқ берилди.

Шунингдек, ўрта мактабнинг 9—11 синфни тугаллаган ёшлар ҳақидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
Заргарлик, чиннига шакл берувчи.
Ушбу касблар бўйича ўқиш мuddати 9-синфни тугаллаганларга 2 йил, 11-синфни тугаллаганларга 1 йил.

Чиннини сараловчи, чиннига зарҳал берувчи.
Ушбу касблар бўйича ўқиш мuddати 9-синфни тугаллаганларга 3 йил, 11-синфни тугаллаганларга 1 йил.

2-3 йиллик мuddатга ўқилга қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

1 йиллик мuddатга ўқилга қабул қилинганлар 45 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар қўшимча ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш мuddати узлуқсиз меҳнат стажига қиради.
Билим юртида заргарлик хунарини ағгалган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чиншикорлик хунарини ағгаллаган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртига ўқишга янгиҳосил қабул қилинади.
Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқу юртиларга иттиезли равишда қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Билим юртига ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг Тошкент ва Калинин районидида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топиришлари лоизим: директор номига арiza, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумот ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосураат (3х4 см), таржиман ҳоли, ота-онанининг иш жойидан справка.
Билим юрти қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов району, Сағбон кўчаси, 17-боши берк кўча, Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38. (100, 166, 76. 59-автобусларнинг «Қўш тут» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиғи ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ 46-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—91 ўқув йили учун
8—10 СИНОФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛГАН ҚИЗЛАРНИ ТИҚУВЧИ-МОТОРИСТКА, ВИТУВЧИ, СИНТЕТИК ТОЛА ТҚУВЧИ КАСБАЛРИ БУНИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг шаҳарга яқин районларида яшовчилар қабул қилинади. Билим юрти аълолар, болалар ва эркаклар енгил кийимларини тиқувчи-мотористкалар тайёрлайди.
10-синфни тамомлаган қизлар 1 йил ўқийдилар ва ойна 70 сўмдан стипендия оладилар.
8-синфни битирганлар 1 йил ва 3 йил ўқийдилар, Улар 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.
Барча ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.
Ўқиш даври тўлиқ меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчилар олий ва ўрта махсус ўқу юртиларга йўллама оладилар. Билим юртида «Гулруҳ» бадий ҳаваскорлик, «Ором» вокал-чолгу ансамбли ва спорт секциялари мавжуд.
Ўқиш даври тўлиқ меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ўқувчилар санаторий-профилакторий ва корхона медицина хизматидаги фойдаланиш ҳуқуқига эгадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топиришлари лоизим: директор номига ёзилган арiza, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси, яшаш жойидан справка, ота-онанининг иш жойидан справка, 3х4 ҳажмдаги фотосураат (4 та).

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов ноҳияси, С. Раҳимов кўчаси, 313-уй, (2, 7, 21-троллейбусларнинг «Қизил қўшиқ» бекати).
Телефон: 44-52-64.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиғи ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИҚУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ 48-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахти яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги иқтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устин кийимларини тикиш бўйича тиқувчи-мотористка.

9-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганлардан сўн ўлар ўрта маълумот ва ағгаллаган наслиари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорда стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУҚСIZ МЕХНАТ СТАЖИГА ҚўШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.
Витрувчи курс аълоли ўқувчиларининг 10 фоиизга ўқишга кириш учун йўллама берилди.

Ўқувчилар И. Ганди номи маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда халқ иш тўғрақлар, спорт секциялари, карате ва диско клублар мавжуддир.
Ўқувчилар корхона территориясида жойлашган машиный ва медицина хизматида

Душанба, 6

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. Кўнвоқ ўқсин таътиллар 17.40 «Доктор, ҳикоя айтиб берингиз». Мультфильм. 18.00 Болалар учун фильм. «Бу разведкада бўлган эди» (М. Горький номли киностудия).

ижрочиларнинг жумҳурият кўриги ақшлари. 21.45 «Инсон ва табиат». Манзарали фильм. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Экран таништиради...» Кинокўрсатуви. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

21.00 «Панд негон». 21.30 «Икёра пурдати. Муаммолар ва мулоқазлар». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Жилвагар олаи». Бадний фильм.

15.50 Болалар учун фильм. «Келажакдан келган меҳмон» (М. Горький номли киностудия). 1-серия. 16.55 Шерият лаҳзалари. 17.00 Яхши ният ўйинлари. Баскетбол. Хотин-қизлар. Финал. АҚШдан кўрсатилади.

21.45 Яхши ният ўйинлари. Фигуралар учин. АҚШдан кўрсатилади. 23.45 «Миттик» Москвада. Шоу-программа. 00.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

лиқ телевизион бадний фильмлар: «Бобон ва кичик берабичи», «Ховлимиз юлдузлари», «Сонсиз кун», «Лайлакча». 16.00 Яхши ният ўйинлари. Сувга сакрав. АҚШдан кўрсатилади.

18.30 «Аттракцион». Катталар учун мультфильм. 18.40 А. С. Пушкин номли давлат тасвирли санъат музейидаги концертларда. 3-кўрсатуви. «Пол Гоген билан интервью».

Сешанба, 7

11.30 «Сўзсиз санъат». Болалар учун фильм. 12.00 «Хотира». Чўлпон ижоди. 13.25 «Чет эллиқ киз». Бадний фильм (Одесса киностудияси).

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Тижорат хабарлари. 19.55 «Езуици ва замон». Жумҳурият мадхисси кўриги ҳақида. 20.30 Москва. «Время».

20.30 Москва. «Время». 21.00 «Съезддан кейинги ўйлари». 21.20 «Созимда савги васфи». Мусиқий кўрсатуви. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Кизлар баъзи». Абдулла Қодирни ҳақрамонлари саҳнада.

9.35 «Дунё бўйлаб». Альяманах. 10.35 «Бу бўлган... бўлганди...». 10.55 Болалар соати (француз тили дарси билан). 11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).

17.30 «Пулс-90». «Биз ва иқтисодиёт». 18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.25 «У-студия». 19.15 «Фереңц Лист». Беш серияли телевизион бадний фильм премьераси. 1-серия (Венгрия).

17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Шолохов баҳори» (Ростов-Дон). 18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржмаси билан).

визион хизмати (сурдо таржмаси билан). 18.30 «Мавзуд вазиётга кўра». «Жазирама тушда пиво». Фарбий Украина шиларининг муаммолари ҳақида.

Чоршанба, 8

11.30 «Нихоясига етмаган эртаки. Болалар учун фильм-концерт. 11.50 «Табнат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма. 12.50 «Кўл тубидаги хазина». Бадний фильм («ДЕФА», ГДР).

19.45 «Учқур отлар». Манзарали фильм. 20.00 Жумҳурият театр арбоблари уюшмаси қошдаги «Ширинжон» ансамблининг концерти. 20.30 Москва. «Время».

20.30 Москва. «Время». 21.00 «Учрашуви». Шоир Омон Матжон билан мулоқот. 22.00 «Ахборот». 22.20 Экранда — кинокомедия. «Нофелет қаврада» («Мосфильм»).

12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 15.45 Болалар учун фильм. «Келажакдан келган меҳмон». 2-серия. 16.50 «ГУФИ кубоги учун». Усмирлар ўртасида теннис бўйича Европа Х юбилей чемпионати ҳақида.

8.00 Эрталбаки бадан тарбия машқлари. 8.20 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 8.45 Хужжатли фильмлар премьераси: «Бева кўзашлари кўндоғи» («Укртелестудия»), «Экранда Сибирь».

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Хабаровск телевидение студиясининг программаси. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 «Время». Янгиликлар теле-

визион хизмати (сурдо таржмаси билан). 18.30 «Зона ёки яна бир бор Асвад гоёси ҳақида». Узок Шаркин ўзлаштириш ашлар регионал марказини тузиш ҳақида.

Пайшанба, 9

11.30 Болалар учун фильм. «Эртаки бошланмади». 12.00 «Спортнинг умид камалағи». «Пярну — спорт шаҳри». Телефильмлар. 12.40 «Сережа». Бадний фильм («Мосфильм»).

19.50 «Ешлиқ» студияси кўрсатади. «Дорифунун фаҳри». В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорифунунининг 70 йиллиғи олдидан. 20.20 Узбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги маълумоти маркази хабар беради...

18.40 «Китобсаварлар» (рус тилида). 19.20 «Иккиқилма қолқон». Бадний фильм. 1-серия (Рига киностудияси). 20.30 Москва. «Время».

10.15 Сизни Москва Кремли қоллақларининг намунали-кўргазмили оркестри тақлиф этади. 10.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).

8.00 Эрталбаки бадан тарбия машқлари. 8.15 «Улик маллика ва етти баҳодир ҳақида эртаки». Мультфильм. 8.20 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

16.30 Бизнинг фондиздан. Г. Малер, 6-симфония (композитор таваллудини 130 йиллиғига). СССР ҳалқ артисти Е. Светланов раҳбарлигидаги ССР Иттифоқи Давлат академик

симфоник оркестри ижро этади. 18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржмаси билан). 18.30 Экология ҳақида мулоқотлар.

Жума, 10

11.30 «Ҳақиқий эртаки». Болалар учун фильм. 12.30 «От учун ярим давлат». Телефильм. 12.50 «Диққат, тошбақа». Бадний фильм («Мосфильм»).

20.30 Москва. «Время». 21.00 Тижорат хабарлари. 21.15 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Шукuroв ижросида ўзбек классик ашулалари. 21.50 «Одобротом».

18.40 «Китобсаварлар» (рус тилида). 19.20 «Иккиқилма қолқон». Бадний фильм. 1-серия (Рига киностудияси). 20.30 Москва. «Время».

14.55 Болалар учун фильм. «Келажакдан келган меҳмон». 4-серия. 16.50 Фольклор байрами. II Халқаро фольклор фестивали ҳақида. Киевдан кўрсатилади. 18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

8.00 Эрталбаки бадан тарбия машқлари. 8.20 Хужжатли фильмлар премьераси: «Телефон ва оркестр учун концерт» («Телефильм-Рига»), «Тренер» («Леннаучфильм»).

23.10 «Эгизаклар-90» (эгизаклар конкурси). Шоу-программа. 01.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржмаси билан). 18.30 Экология ҳақида мулоқотлар. 19.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кўноқ жуъва». Мультфильм.

Шанба, 11

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатуви. 10.00 «Одобротом» (такрор.). 10.10 «Бугун — Физкультуранин шарни». Спорт кўрсатувлари. 1-қисм. 11.10 «Бефайз яшанба». Бадний фильм (М. Горький номли киностудия).

16.10 «Социал муаммолар — диққат марказида». 16.25 «Деҳқоннинг ўйлари ва мулоқазлари». Векобод ноҳияси Ленин номли қолқоз жамоасининг иш фаолиятига бағишланади. 17.00 «Мотор» ишга тақлиф қилади. Тошкент мотор заводида малакали маҳаллий кадрлар еттиштирилганлиги ҳақида.

тади. «Дилдаги гаплар...» Ўзбекистон ССР халқ артисти Фаррух Зокиров билан учрашуви. 22.00 «Хафтанома». 22.40 «Муҳаббат риштаси». Бадний фильм. 1-серия (Ҳиндистон).

12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 15.30 Болалар учун фильм. «Келажакдан келган меҳмон». 5-серия. 16.35 «Кюшша ва Компьюша ҳақида». Мультфильм премьераси. 16.55 «Москва ҳақида уч хикоя». Телевизион хужжатли фильм премьераси («ЦНФ»). 17.15 «Асраб влодлерга өтказ».

18.00 Эрталбаки бадан тарбия машқлари. 7.45 Татаристон телевидениесининг программаси («Козин»). 8.30 «Она-замин ташвишда». «Мерос». Хужжатли фильм. Радиодивияти чиққидилари қумш билан боғлиқ экологик муаммолар ҳақида. 8.50 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун.

9.35 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Марафон». Хужжатли фильм премьераси («Свердловск киностудияси»). 10.00 Догистон телевидениесининг программаси («Махачқала»). 11.05 «Сила». Телекўрсатуви. 12.05 «Йилан қандай қилиб шоҳ қизини қутқарди». Мультфильм. 12.15 «Планета». Халққеро программа.

лашган командалари иштирок этади. 17.27 Мери АССР Давлат «Марий эл» ашула ва ракс ансамблининг концерти. 18.15 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 18.45 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркраклар. СССР — Канада тарбия командалари. Аргентинадан кўрсатилади. Танафус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мишель ва Миштук». 1-қисм. 20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржмаси билан).

Якшанба, 12

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатуви. 10.00 «Содиқ дўстим. Санчо». Бадний фильм (Рига киностудияси). 11.20 «Яшил чироқ». Йўл ҳаракати қондалари ҳақида. 11.50 С. Сивев. «Бозор кўрмаган йилги». Видеофильм. 13.10 «Алифбо сабоқлари» (такрор.). 13.45 «Деҳқон юмушлари». 14.15 Сурхондарё вилояти Олтинсой ноҳиясидаги «Оқарбулоқ» ҳақида «Лола» ансамблининг концерти.

16.10 «Социал муаммолар — диққат марказида». 16.25 «Деҳқоннинг ўйлари ва мулоқазлари». Векобод ноҳияси Ленин номли қолқоз жамоасининг иш фаолиятига бағишланади. 17.00 «Мотор» ишга тақлиф қилади. Тошкент мотор заводида малакали маҳаллий кадрлар еттиштирилганлиги ҳақида. 17.10 Кўрсатувлар тартиби. Кўнвоқ ўқсин таътиллар 17.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 18.00 Футбол. «Пахтақорчи»ларнинг хотира соврини учун. Финал. «Нурафшон» (Буҳоро) — «Шахтёр» (Ангрен).

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Довжорак Хочбар ҳақида қисса». Бадний фильм. 19.40 «Греция дурдошлари». 20.30 Москва. «Время». 21.00 А. Самадов. «Тонг». Теленовелла. 21.50 «Жайрон оролар». Кинофильм. 22.00 «Хафта». Информацион программа. 22.30 «Цирк артистлари Ермолаевлар». Телефильм-концерт. 23.15 «Телетомошбин ҳамроҳи».

12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 15.45 Болалар учун фильм. «Келажакдан келган меҳмон». 2-серия. 16.50 «ГУФИ кубоги учун». Усмирлар ўртасида теннис бўйича Европа Х юбилей чемпионати ҳақида. 17.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!».

18.00 Эрталбаки бадан тарбия машқлари. 7.30 Зардағиқа сафалининг. 7.45 Халқ куйларидан концерт. 8.00 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун. Ф. М. Достоевский асарлари асосида адабий кўрсатуви. 9.30 «Ҳамдўстлик» видеоанали. 13.00 Москва халққеро Тинчлик марфони. 15.30 «Савҳатчилик клуби» (сурдо таржмаси билан). 16.30 «Шамол». Мультфильм.

19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мишель ва Миштук». 2-қисм. 19.45 «Россиянинг мунгли пейзажи». Москвалик пейзажист Г. А. Сотсков ишлари кўргазмаси ҳақида.

20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржмаси билан). 21.00 «Варшава қабутларига». Телевизион бадний фильм (Польша). 22.10 Отиш спорт буйича жаҳон чемпионати кундалиги.

ТОШКЕНТ ОҚИМОНИ
(«Илҳорий ташкимот») — ўрган Ташкентнинг горнома Компартия Ўзбекистанга и горнома Совети народных депутатов.
Манзил: КОММУНАЛ: қабулхона — 32-53-76; катлар — 33-29-70; 32-53-79; намотчилик қабулхонаси — 32-55-83.
Яшанбадан ташқи ҳар кунни ўзбек ва рус тилларида мустиқ қилади.